# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 12 ноябрь, № 219 (6402) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА РИВОЖИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

*“Ўзэкспомарказ” мажмуида “Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2015” ўн иккинчи халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади. Мамлакатимиз транспорт индустрияси ва логистика хизматлари ютуқларини намойиш этувчи мазкур йирик тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, “Ўзтрансгаз” компанияси, Халқаро экспедиторлар ҳамда Халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмалари кўмагида “ITE Uzbekistan” компанияси томонидан ташкил этилди.*

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА






2015 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда барча турдаги транспорт воситаларида юк ташиш ҳажми **4,3** **фоиз ўсди.**

Ўзбекистон қулай географик жойлашуви ҳамда замонавий инфратузилмага эга бўлганлиги туфайли унинг транспорт ва логистика салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Бу эса барча йўналишда халқаро ташувларни амалга ошириш, янги қатновларни йўлга қўйишда кенг имкониятлар эшигини очиб бераётир. Натижада транспорт ва логистика хизматлари кўрсатиш кўлами йил сайин ортаяпти. 2015 йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда юк ташиш ҳажми темир йўл транспортида 2,6 фоиз, автомобилда 4,8 фоиз, ҳаво йўлларида 1,5 фоиз ўсгани бунга мисол бўла олади.

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан транспорт-коммуникация тармоқларини такомиллаштириш, ташқи савдо ва транзит юкларни ташиш учун самарали халқаро йўналишларни ривожлантириш, транспорт мажмуини модернизациялаш, транзит салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бунинг самараси ўлароқ, халқаро аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўллари қурилиши баробарида, ҳаракатдаги транспорт воситаларини янгилаш, темир йўлларни электрлаштириш ишлари муваффақиятли бажарилаяпти. Бу, ўз навбатида, чет эл инвесторларининг иқтисодиётимизга бўлган қизиқишини ошириш, хорижий ҳамкорларнинг кўпайишида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг транспорт ва логистика хизматларига бўлган талаб катта. Буни анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2015” кўргазмасига ташриф буюраётганлар сони йил сайин кўпайиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

**(Давоми 2-бетда).**

## АНЖУМАН

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва “Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.*

# Аграр соҳага сармоялар

Таъкидландики, молия муассасалари томонидан ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани боис шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун қарийб 2,4 триллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунда мулкий таъминоти етишмаётган субъектларнинг кредит олиш тартиби енгиллаштирилиб, қайта ишловчи корхоналарни молиялаштиришда кафиллик усули кенг қўлланилаётгани, фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида полиз, мева-сабзавот ҳамда узум маҳсулотларини етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар учун олдиндан 40 фоиз миқдорида бўнак олиш тартиби жорий этилаётгани, айниқса, қўл келаётир.

**(Давоми 2-бетда).**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2016 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

*11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Мажлисда ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р. Азимов ҳамда Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А. Шодмонов маъруза қилдилар.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати — 2016 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мувозанатини сақлаш, давлатнинг иқтисодиётда иштирок этиши улушини камайтириш, хусусий мулкнинг ролини тубдан ошириш, мамлакатда мустаҳкам иқтисодий ўсиш ва барқарорликни таъминлаш мақсадида хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини назарда тутади.

Узоқ истиқболни кўзлайдиган ушбу стратегия мамлакатимиз ҳукуматининг жорий йил 16 январдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2015 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни, жорий йилга белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга муваффақиятли эришишни, 2015 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг самарали ижро этилишини таъминламоқда.

Тақдим этилган лойиҳалар иқтисодиётнинг изчил ўсишига, иқтисодий барқарорликнинг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини ҳамда экспортнинг ўсишини сақлаб қолишга, ташқи савдо тўлов балансининг ижобий сальдосини таъминлашга, иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишга қаратилгандир. 2016 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, йўл-транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурларини фаол амалга оширишни давом эттириш назарда тутилган.

Депутатлар келгуси йилга шакллантирилган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларда ялпи ички маҳсулот 7,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1 фоиз, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоиз ўсиши назарда тутилаётганлигини алоҳида қайд этдилар.

**(Давоми 2-бетда).**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Самарқанд шаҳридаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Дака” хорижий корхонасининг ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.*

### Ташқи бозордаги муваффақият

Шунга қарамай, у ташқи бозорда ўз ўрнини топди. Жорий йилнинг ўтган даврида корхона жамоаси томонидан 1 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилгани бунинг тасдиғидир.

Ҳозирги кунда бу ерда 144 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 50 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчисидир. Айни пайтда корхона мутасаддилари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш бўйича янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришаяпти. Бу орқали 20 та қўшимча иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Самарқанд вилоятида биргина саноатни ривожлантириш дастури доирасида 297 та лойиҳа амалга оширилиб, 6108 кишининг бандлиги таъминланди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Таннархи ҳам, сифати ҳам мақбул

*Қамаши туманидаги “Исматиллаев Арслонбек” хусусий корхонасида пластмасса чиқиндиларидан томёпқич материаллари тайёрлаш йўлга қўйилди.*

Лойиҳа ташаббускори Рашид Раҳматовнинг таъкидлашича, бундай маҳсулотлар таннархи арзон бўлиб, ундан узоқ йиллар давомида фойдаланиш мумкин.

Айтиш жоизки, 77 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига Хитойдан янги технологик линиялар келтирилгач, томёпқичлар тури кўпайди. Айни пайтда бу ерда металлдан ҳам қурилиш материаллари тайёрланмоқда. Мазкур технологиялар энергия тежамкорлиги билан турдошларидан ажралиб туради.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кўп тармоқли фаолият

*Балиқчи туманидаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Бал муслим қурувчи” хусусий корхонаси ўз фаолиятини кенгайтирди.*

Яъни бу ерда қўшимча тармоқ сифатида нон цехи ҳам ишга туширилиб, ҳудуддаги савдо шохобчаларига кунига минг донагача қолипли нон етказиб бериш йўлга қўйилди. Бунинг учун банкнинг 80 миллион сўмлик имтиёзли кредитидан самарали фойдаланилди. Шу билан бирга, 12 та қўшимча иш ўрни яратилди.

— Эндиликда хориждан янги технологик линия келтириш ҳаракатидамиз, — дейди корхона раҳбари Маъмиржон Қўзиев. — Ушбу бизнес-режамиз амалга ошгач, макарон маҳсулотлари тайёрлашни ҳам ўзлаштирамиз.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

### Қатнов йўлга қўйилди

*Олот ва Қоракўл туманларида яшовчи аҳоли учун яна бир қулайлик яратилди. Яъни “Олот — Тошкент” йўналишида поезд қатнови йўлга қўйилди.*

— Бундан жуда хурсандмиз, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Олот тумани бўлинмаси раиси Бахтиёр Воҳидов. — Илгари шу ҳудудда истиқомат қилувчилар пойтахтга поездда бориш учун автоуловда юз километрдан зиёд масофани босиб ўтиб, Когон темир йўл вокзали орқали сафарга отланишарди. Табиийки, Тошкентдан қайтиш чоғида ҳам шу ҳол такрорланарди. Эндиликда эса бунга ҳожат қолмади.

Поезд ҳар икки томонга ҳафтада уч марта қатновни амалга оширади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

*Янги материаллар яратиш, уларнинг хусусиятлари ва ишлов бериш усулларини ўрганиш замонавий илм-фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Айни пайтда иқтисодиётнинг саноат, архитектура, шаҳарсозлик каби турли соҳалари талабларини қондирадиган ва барча қурилиш меъёрига мос келадиган композицион цемент турларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

*ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институтининг “Стром” илмий тадқиқот ва синов маркази раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Мастура ИСКАНДАРОВА билан янги турдаги қурилиш материаллари қандай имкониятлар яратаётгани хусусида суҳбатлашди.*

— Марказимиз 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузурида ташкил этилган, — дейди М. Искандарова. — Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, марказда маҳаллий хом ашё ресурслари ва турли ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида юқори сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ресурс ҳамда энергия тежайдиган самарали технологиялар яратиш ва уларни ўзлаштириш бўйича илмий-амалий изланишлар олиб борилмоқда.

Марказдаги мавжуд замонавий асбоб-ускуналар цемент, бетон, гипс, оҳак, асбест, доломит, бўр, тош, сопол, силикат ва хом ғиштни физика-кимёвий таҳлил қилиш ҳамда физика-механик синовдан ўтказиш имконини беради. Айни пайтда мутахассисларимиз барча турдаги хом ашё ва қурилиш материалларини синовдан ўтказиш имконини берадиган 76 номдаги тадқиқот асбоб-ускуналари, ўлчов приборларидан фойдаланмоқда. Марказнинг юқори малакали ходимлари қурилиш материаллари ва буюмларини яратиш, тадқиқ этиш ва синовдан ўтказиш соҳасида катта илмий-амалий тажрибага эга.

Масалан, марказ мутахассислари юқори сифатли қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш учун янги конларнинг минерал хом ашёси ҳамда турли техноген чиқиндиларнинг яроқлилигини аниқлаш мақсадида комплекс тадқиқотлар ўтказмоқда. Шунингдек, улар хом ашёни технологик синовдан ўтказиб, хом ашё аралашмаси ва бирикадиган композицияларнинг мақбул таркибини аниқламоқда, истиқболли, рақобатдош, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратмоқда. Марказда хом ашё материаллари ва тайёр қурилиш маҳсулотларининг кимёвий-минералогик таркиби ҳамда тузилишини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, турли қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хом ашё материалларини сарфлаш меъёрлари белгиланмоқда.

*— Маълумки, цемент ишлаб чиқариш соҳаси мамлакатимиз қурилиш материаллари саноатида етакчи мавқега эга.*

— Бугунги кунда мамлакатимизда портланд цементнинг деярли барча тури ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда ушбу қурилиш материалига бўлган талаб муттасил ошмоқда ва бунинг натижасида портланд цемент муҳим стратегик ресурсга айланмоқда. Портланд цементнинг хусусиятлари уни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган минерал қўшимчалар ва тўлдиргичлар билан боғлиқдир.

**(Давоми 2-бетда).**

# ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2016 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда таъкидландики, икки йилдан буён амал қилаётган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 2016 йилги Бюджетномани шакллантириш учун асосий ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилди, унинг нормалари ва қоидалари Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

2016 йилда солиқ юкини янада камайтириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини рағбатлантириш, бюджет тизимининг мутаносиблигини таъминлаш, бюджет йўналишидаги давлат дастурларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантиришга, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бир вақтнинг ўзида аҳолининг даромадлари, жамғармалари ва харид қувватини ўстиришга қаратилган йўлни давом эттириш, шунингдек, бошқа чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қатор қўмиталарининг йиғилишларида Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакиллари иштирокида олдиндан муҳокама қилинди. Йиғилишлар давомида асосий молиявий ҳужжатнинг сўзсиз ижро этилиши юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Савол-жавоблардан сўнг 2016 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокама давомида барча сиёсий партия фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданиятни ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа жабҳаларини ривожлантириш дастурлари ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Чунончи, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан сайланган депутатларнинг фикрича**, мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан янада ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблигини сақлаб қолиш, 2015 йилги иқтисодий дастур йўналишлари ва устуворликлари ҳисобига иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлайдиган стратегияни давом эттириш юзасидан Ўзбекистонда кенг кўламдаги зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси Давлат бюджетининг жорий йил учун белгиланган кўрсаткичларига муваффақиятли эришишга, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга хизмат қилади.

Ўтган 2014 йил якунларига кўра, яратилган жами иш ўринларининг тенг ярми ёки 480 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келди. Агар 2000 йилда иқтисодиётнинг бу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 49,7 фоизи меҳнат қилган бўлса, бугун бу рақамлар 77 фоизга етди. Юқорида айтиб ўтилган рақамлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш, хусусий мулкнинг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг натижасидир. 2016 йилги Бюджетнома лойиҳасида микрофирма ва кичик корхоналарга мансуб бўлган хизмат кўрсатувчи корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 6 фоиздан 5 фоизгача туширилиши таклиф этилмоқда. Бу мазкур корхоналар ихтиёрида 58,4 миллиард сўм қолдириш имконини беради. Бундан ташқари, 2016 — 2019 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Фракция аъзолари 2016 йилги солиқ сиёсати мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, янги иш жойларини яратишни рағбатлантириш, солиқ базасининг кенгайиши, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашни амалга ошириш ҳамда ходимларни рағбатлантириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг депутатлари** Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларида жаҳон иқтисодиётида мураккаб жараёнлар ва салбий тенденциялар давом этаётган шароитда мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсишининг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирларни рўёбга чиқариш назарда тутилаётганлигини таъкидладилар.

Фракция аъзолари 2016 йилги Давлат бюджети лойиҳасида маданият муассасаларини таъминлаш ва спорт тадбирларини ўтказиш учун ажратилган харажатлар ҳажмини жорий йилга нисбатан 1,16 баравар ошириш назарда тутилганлигини қайд этдилар. Республиканинг тарихий-меъморий, ижтимоий-маданий ва туризм салоҳиятини эҳтиётлаб сақлашни таъминлаш, шунингдек, янада тарғиб қилиш мақсадида, мамлакатимиздаги маданий ва археология мероси объектларида консервациялаш ва реставрация ишларини ўтказиш бўйича дастурни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 22 миллиард сўм маблағ ажратиш таклиф этилмоқда. Бу халқимизнинг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини эҳтиётлаб сақлаш имконини беради.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзолари** ижтимоий соҳага ажратилган Давлат бюджети маблағларининг улуши оширилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Хусусан, агар Давлат бюджетининг умумий харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган харажатлар 2000 йилда 42,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилдаги 58,7 фоиздан 2016 йилда 59,2 фоизга ошириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ва болали оилаларга бериладиган нафақалар учун ажратилган харажатлар 2008 йилда 639 миллиард сўм бўлган ҳолда, 2016 йилда қарийб 2,1 триллион сўмдан ортиқ миқдорга етди. Мазкур чоралар инсон манфаатлари ҳимоясига йўналтирилган, чуқур ўйлаб, мулоҳаза қилинган ижтимоий сиёсатнинг натижасидир.

Шу билан бирга, Давлат бюджетининг даромадлари тушуми, улардан самарали фойдаланиш, айниқса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган бюджет маблағлари устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан таклифлар билдирдилар.

**“Адолат” СДП фракциясининг аъзолари** мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини тўлиқ ишга солиш имконини берувчи инновацион иқтисодиётнинг яратилишини муҳим вазифа, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, фракция иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирларига катта эътибор бермоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, мамлакатимиз иқтисодиёти фан ва техниканинг энг илғор ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга ва халқ таълими тизимига таяниши лозим. Бу борада 2016 йилги Давлат бюджети лойиҳасида фан соҳасига ажратилган харажатлар жорий йилга нисбатан 1,36 баравар оширилган, бу эса, ўз навбатида, Давлат илмий-техник дастурлари доирасида фанни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда тадбирларини давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг аъзолари** аҳолини ичимлик суви, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар. Муҳокама чоғида Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилаётган Давлат бюджети маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида таклифлар билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**



# ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА РИВОЖИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу йилги тадбирда, масалан, АҚШ, Германия, Франция, Польша, Жанубий Корея, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Латвия, Литва каби қатор давлатларнинг 50 дан ортиқ компаниялари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этаяпти. Зотан, кўргазма маҳаллий транспорт ҳамда логистика компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, божхона хизматлари, юкларни сақлаш ва омборларга жойлаштириш ҳақида батафсил ахборот алмашиш учун қулай имкониятдир.

— Юртингизда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, айниқса, Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтувчи халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди “DB Schenker” халқаро компаниясининг Латвиядаги ваколатхонаси вакили Евгений Сёмуха. — Бу юк ташиш хизматлари кўрсатиш жабҳасида алоқаларни ўрнатиш юқори самаралар беришидан далолатдир. Шу боис латвиялик мутахассислар юртингизга катта қизиқиш билдиришмоқда. Кўргазмага мамлакатимиздан ўнга яқин компаниялар янги ҳамкорлар топиш ниятида келган. Бизнинг компаниямиз эса дунё бўйича транспорт ва логистика хизматлари кўрсатади. Хусусан, Марказий Осиё давлатлари юкларини Ригадаги порт орқали исталган манзилга етказиб бериш имконияти мавжуд. Бунинг учун 18 гектар майдонни эгаллаган мультимодал терминалда юкларни тушириш, сақлаш, саралаш, қадоқлаш сингари кўплаб хизматлар йўлга қўйилган. Бу каби қулайликлар Ўзбекистон тадбиркорларига ҳам маъқул тушмоқда. Шунинг учун кўргазма давомида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан умидвормиз.

Таъкидлаш керакки, мамлакатлар иқтисодиёти жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашиб борар экан, бу жараёнда транспорт ва савдо йўлакларини кенгайтириш, тақдим қилинаётган логистика хизматларини янада такомиллаштириш талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, юртимизда соҳага ихтисослаштирилган корхоналар сони йил сайин кўпайтирилмоқда. Мисол учун, “Turksib Magistral” компанияси МДҲ, Европа ва Осиё давлатларидан тўпланган юкларни етказиб бериш бўйича ноёб логистик ечимларни таклиф қилаётган бўлса, “Universal Logistics Services” компанияси юкларни қабул қилиш ва жойлаштириш бўйича кенг турдаги хизматларни тақдим этиб келмоқда. Шу каби юртимиз транспорт-логистика бозори ҳақида маълумот берувчи компаниялар фаолияти тақдимотлари кўргазма майдонининг 17 фоизини эгаллаган жойда бўлиб ўтаяпти.

Халқаро кўргазманинг “Транспортда газ — NGV” бўлими ҳам одамлар билан гавжум. Сабаби, унда транспорт воситаларига сиқилган ва суюлтирилган газ ёнилғисини қўллаш бўйича инновациялар намойиш этилаяпти.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури ҳаётга татбиқ этилаётир. Унинг доирасида 74 мингдан ортиқ автомобиль табиий газда ишлашга ўтказилиши, жойларда кўплаб газ қуйиш компрессор станциялари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Бу борадаги вазифалар ижросида эса мазкур кўргазма қулай бизнес муҳитини яратиб бермоқда.

Соҳа мутахассислари суюлтирилган ва сиқилган газдан фойдаланиш учун яратилган инновацион муҳандислик ишланмалари, замонавий ускуна ҳамда жиҳозлар билан яқиндан танишиш, айни пайтда амалий мулоқотларга киришиш имкониятига эга бўлишаяпти. Кўргазма доирасида “Автомобилга газ қуйиш компрессор станцияларининг модуль қурилмалари ва камтоннали суюлтирилган табиий газ: мотор гази ёнилғиси учун самарали ечим” мавзуида ўтказиладиган семинар ана шу мақсадга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, “Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2015” кўргазмаси транспорт, логистика, халқаро даражада юк ташувлар соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва экспертлар учрашадиган ягона ихтисослаштирилган тадбир бўлиб, бу унинг ишчан руҳда ўтиши, томонларнинг транспорт йўлаклари инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилувчи кўплаб битим ва келишувларга эришишида кенг йўл очиб бериши, шубҳасиз.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Бахтиёр АКРАМОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 5 сентябрда янги таҳрирда эълон қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни ижроси ҳамда таълим масканларида оммавий спортни ривожлантиришга бағишланган ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

● **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот марказида “Иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ривожланишида полимерлар ҳақидаги фан ва таълим интеграциясининг роли” мавзуида республика анжумани ташкил этилди.**

● Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий кенгаши “Ёшлар қаноти” томонидан Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида “Олий ҳарбий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг долзарб услубий-тарбиявий масалалари” мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

● Андижонда “Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти” кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда туман ва шаҳар босқичларида саралан хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларининг 16 нафар раиси ўз маҳоратини намойиш этди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Аграр соҳага сармоялар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, банклар ўз кредит ва хизматлари билан қишлоқ хўжалигининг барча йўналишини қамраб олаётгани диққатга сазовордир. Масалан, айни пайтда соҳа вакилларига 1,5 мингдан ортиқ минибанк ҳамда махсус кассалар хизмат кўрсатаётган бўлса, йил бошидан буён молия муассасалари томонидан асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун 32,6 миллиард сўмдан зиёд, чорвачилик ҳамда паррандачиликка 118,3 миллиард сўм, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришга 58,1 миллиард сўм миқдорида сармоялар ажратилди.

Бундан ташқари, банкларимиз сармоялари ҳудудларда янги совутқичларни қуриш ва мавжудларини таъмирлаш ишларига йўналтирилаётгани ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Шу мақсадда ҳозирги кунгача 30 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилгани бунинг тасдиғидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз цемент заводларида ҳар йили 15 турдаги 7 миллион тоннагача цемент ишлаб чиқарилмоқда. Қурилиш тармоғи ва саноатда умумий мақсадларда фойдаланиладиган цемент, нефть ва газ қудуқларини цементлаш учун мўлжалланган тампонж цемент, гидротехник иншоотлар қурилишида қўлланиладиган сульфатга чидамли цемент шулар жумласидан. Бундан ташқари, мамлакатимизда безак ишларида фойдаланиладиган оқ цемент ҳам ишлаб чиқарилаётир. Ўтган йили Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида Жиззах цемент заводи фойдаланишга топширилди. Ушбу ҳудудда цемент тайёрлаш учун асосий хом ашё — юқори сифатли оҳактош қатламларининг мавжудлиги ушбу завод қурилишига асос бўлиб хизмат қилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибида фаолият юритаётган мазкур корхона йилига 350 минг тоннагача оқ цемент ва 760 минг тонна портланд цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Заводда ишлаб чиқарилган оқ цементдан пардозлаш ишлари ва сунъий мармар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, оқ цементнинг 70 фоизини экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

*— Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?*

— Айни пайтда “Қизилқумцемент” акциядорлик жамияти юртимизда цемент ишлаб чиқарадиган етакчи корхона ҳисобланади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган цементнинг ярми ушбу корхона ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу йилига қарийб 3,5 миллион тоннани ташкил қилади. Бундан ташқари, “Оҳангаронцемент” акциядорлик жамиятида йилига 1,7 миллион тоннагача, “Қувасойцемент” акциядорлик жамиятида 1 миллион тоннадан ортиқ ва “Бекободцемент” акциядорлик жамиятида 1 миллион тоннага яқин цемент ишлаб чиқарилаётир. Ушбу корхоналар ҳар йили янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватларини оширмоқда.

Айни пайтда турли вилоятларда йирик ва кичик цемент заводлари барпо этилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида иккита йирик цемент заводи қурилиши бошланди. Ушбу корхоналарда йилига биргаликда икки миллион тоннагача сифатли портланд цемент ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Кичик цемент заводлари қурилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Андижон ва Фарғона вилоятларида ана шундай заводлар фаолият юритмоқда. Жиззах вилоятининг Зомин туманида барпо этилган минизавод ҳам яқинда ишга туширилади. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида йилига 500 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга кичик цемент заводи қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

*— Марказ олимлари эришган ютуқлар ва истиқболли ишланмалар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.*

— Марказимиз ташкил этилганидан буён материалшунослик соҳасида кўплаб ишланмалар яратилди ва саноатда ўзлаштириш учун таклиф этилди. Ушбу ишланмаларнинг барчаси маҳаллий хом ашё захиралари ва саноат корхоналарининг эҳтиёжлари инобатга олинган ҳолда яратилди. Уларни ишлаб чиқаришда асосий эътибор мамлакатимиз саноат корхоналарининг техноген чиқиндиларини кенг қўллашга қаратилди.

Айни пайтда портланд цемент ишлаб чиқаришда маҳаллий тоғ жинсларидан комплекс фойдаланиш бўйича олимларимиз томонидан яратилган технология “Қизилқумцемент” ва “Қувасойцемент” акциядорлик жамиятларида кенг қўлланилмоқда. Ушбу технологиянинг моҳияти шундан иборатки, маҳаллий вулқонли тоғ жинсларидан цемент хом ашёси аралашмаси таркибида бир пайтнинг ўзида асосий алюмосиликатли компонент ва темирли минерализатор сифатида фойдаланилади. Бу чет элдан келтириладиган темирли қўшимчалардан фойдаланиш, пировардида уларни тайёрлаш ва транспортировка қилишда маблағ сарфлашни талаб қилмайди. Шу билан бирга, энергия ва ресурс тежайдиган ушбу технология ишлаб чиқаришнинг соддалаштирилган технологик шаклига эга бўлиб, печли агрегатлар маҳсулдорлигини оширади ва цемент таннархини камайтиради.

Яна бир ишланма бу сульфатга чидамли цемент олиш технологиясидир. Таркибида маҳаллий хом ашё асосидаги композицион минерал қўшимчалар мавжуд бўлган ва кўплаб мақсадларда ишлатиладиган цемент ишлаб чиқариш технологиясини кенг жорий этишдек долзарб вазифани ҳал этишга қаратилган мазкур технология цементнинг мустаҳкамлиги ва сульфатга чидамлилигини пасайтирмаган ҳолда, унинг таркибига 15-20 фоизгача композицион минерал қўшимчалар қўшиш имконини беради. Айни пайтда клинкерни майдалашда тоғ жинслари, глиеж, кварц ва шпатли қум ҳамда бошқа минералларни ўз ичига олган композициялардан фаол минерал қўшимчалар сифатида фойдаланилмоқда. Бунинг самарасида қимматбаҳо клинкер тежалмоқда, цемент таннархи пасайиб, унинг қурилиш-техник хусусиятлари яхшиланмоқда. Ушбу технология айни пайтда “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида ўзлаштирилди.

“Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятининг таркибида темир мавжуд бўлган чиқиндиси — металл куйиндиси асосида лойли бурғилаш суюқлиги учун импорт ўрнини босадиган “ОК” ва “Композит” оғирлаштиргичлари ишлаб чиқилди. Нефть-газ тармоғи учун мўлжалланган мазкур маҳсулотларнинг фойдаланиш хусусияти замонавий талаб ва меъёрларга тўлиқ жавоб беради. Улар асосида нефть-газ қудуқларини мустаҳкамлашга мўлжалланган оғирлаштирилган цемент ишлаб чиқариш технологияси яратилди. Юқори даражада қотиш ва зарур технологик хусусиятга эга ушбу цемент нархи мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ва четдан олиб келинадиган бошқа цементларга нисбатан арзондир. Тошкент вилоятининг Сарибулоқ конидаги “Нефтгазминерал” шуъба корхонасининг майдалаш бўлимида ишлаб чиқарилган “Окалин” оғирлаштиргичининг йирик тажриба-саноат тўплами “Ўзгеобурнефтгаз” акциядорлик компаниясининг бурғилаш участкаларида лойли бурғилаш суюқлигини тайёрлашда фойдаланилди. Унинг асосида тампонаж цемент таркиби ишлаб чиқилди ва “Ўзгеобурнефтгаз” акциядорлик компаниясининг бурғилаш участкаларида фойдаланиш учун тавсия қилинди. Бундан ташқари, цемент ишлаб чиқариш ва нефть-газ қазиб олиш тармоғида окалиндан фойдаланишни таъминлайдиган стандарт (Ts) ишлаб чиқилди.

Фосфогипсдан сунъий гипс олиш ҳам марказнинг экологик ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ишланмалари жумласидан. Экстракцион фосфорли кислота ишлаб чиқаришда фосфоритларнинг олтингугурт кислотасига ажралиши жараёнида ҳосил бўладиган фосфогипс таркибида олтингугурт ва фосфор кислотаси қолдиқлари бўлгани боис ҳозирги пайтга қадар амалда қўлланилмаган эди. Аксарият мамлакатларда кислотали қолдиқларни йўқ қилиш мақсадида фосфогипс кўп миқдордаги сув билан ювилади. Бироқ мамлакатимизда сув ресурсларининг танқислиги боис ушбу усул қиммат ва мақсадга мувофиқ эмас. Шундан келиб чиқиб, “Стром” илмий тадқиқот ва синов маркази мутахассислари фосфогипсни ишқорли компонент — клинкер ёқиш печлари чанги ёрдамида модификациялаш йўли билан ундаги ортиқча кислотани бартараф этишнинг оддий усулини, яъни тозаланган фосфогипсдан цемент ишлаб чиқаришда табиий гипс тош ўрнида цементнинг қотиш муддатини ростлагич сифатида фойдаланишни таклиф қилди. Айни пайтда бу борада икки турдаги техноген чиқинди — кимёвий ишлаб чиқариш чиқиндиси бўлган фосфогипс ва цемент ишлаб чиқаришда ажраладиган чангдан фойдаланилмоқда. Цемент ишлаб чиқаришда модификация қилинган фосфогипсдан фойдаланишда гипс тошларини майдалаш босқичи технологик жараёндан чиқарилди ва бу цементнинг таннархига ижобий таъсир кўрсатди.

Цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва “Elemental” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган “Фосфозол” фаол минерал қўшимчаси ҳам муҳим ишланмалардан биридир. Ушбу қўшимча Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг фосфогипс ва кул шлаги аралашмасига автоклавда ишлов бериш усули билан олинади ва мазкур усул техноген чиқиндиларни самарали ва комплекс равишда утилизация қилиш имконини беради. “Фосфозол”дан турли қурилиш материаллари, жумладан, цемент, гипсокартон, қуруқ қурилиш аралашмалари, хом ғишт ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, “Фосфозол”ни цементнинг қотиш муддатини секинлаштирадиган гипс тошлари ўрнида қўллаш мумкин. Шу боис ушбу қўшимчани ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш экологик жиҳатдан фойдали бўлиб, катта иқтисодий самара беради ва айрим технологик жараёнларни соддалаштиради.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз иқтисодиёти, архитектураси ва шаҳарсозлигини янада ривожлантириш учун сифатли ва арзон қурилиш материаллари, хусусан, композицион цемент ишлаб чиқариш зарур. Шунинг учун корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти “Стром” илмий тадқиқот ва синов марказининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан фаол минерал қўшимчалар ва цемент таркибини тўлдирувчи қўшимчаларнинг янги манбаларини ўрганиш, шунингдек, улардан фойдаланган ҳолда янги турдаги цемент ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар изчил давом эттирилмоқда. Олимларимизнинг ютуқлари нафақат қимматбаҳо импорт хом ашё ўрнини босиш, балки зарарли техноген чиқиндиларни утилизация қилиш, келгуси авлодлар учун мусаффо атроф-муҳитни асраб-авайлаш имконини беради.

**ЎзА мухбири Роман БОНДАРЧУК суҳбатлашди.**

ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

## Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 9 октябрдаги 195 (6378)-сони, «Правда востока» газетасининг 2015 йил 9 октябрдаги 196 (28150)-сони ҳамда «Народное слово» газетасининг 2015 йил 10 октябрдаги 196 (6349)-сонида 2015 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун компьютер техникалари ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари учун ускуна, дастгоҳлар харид қилиш ва таълим муассасаларига ўрнатиш бўйича тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида берилган эълонга мувофиқ, қуйидаги лот бўйича тендер таклифларини тақдим этиш муддати жорий йилнинг 23 ноябригача узайтирилганлигини эълон қилади.

**Лот № 19. Чет тили хоналари учун мультимедиа ва компьютер техникалари.**

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагидаги талабгорлар ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига лот учун 650000 (олти юз эллик минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг реквизитлари:**
Молия вазирлиги Ғазначилиги,
ҳ/р: 23402000300100001010,
ш/ҳ/в: 400110860262807950100028001,
ҲККМ Марказий банк бош бошқармаси,
МФО: 00014, ОКОНХ: 92120,
СТИР Ғазначилик: 201122919, СТИР ЎМКҲТ маркази: 202515618.
100095, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.
Телефон: (0-371) 246-12-40. Факс: (0-371) 246-12-74.
E-mail: sspo_taminot@markaz.uz

Шунингдек, харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳамда бошқа маълумотларни эълон чоп этилган кундан бошлаб Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг www.markaz.uz электрон сайтидан олиш мумкин.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2015 йил 23 ноябрь куни соат 18.00 дан кечиктирилмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади ҳамда бу ҳақда ишчи органи томонидан талабгорларга хабар юборилади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

1683R/794

*БАРЧА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!*

## Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сонли қарорига асосан, хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган қуйидаги акциядорлик жамиятларининг давлат акциялар пакетлари бўйича**
**БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

| Т/р | Жамиятнинг номи ва юридик манзили | Фаолият ихтисослиги | Жамиятнинг тавсифи | Давлат акция пакети (фоизда) | Акциялар сони (дона) | Акциялар пакети бошланғич нархи (АҚШ долларида) | 1 дона акциянинг бошланғич нархи (АҚШ долларида) | Минимал инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар миқдори | | | Савдо ташкилотчиси | Дастлабки савдо санаси* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Суммаси (АҚШ долларида) | Киритиш муддати | Ташкил этиладиган иш ўринлари сони (та) | | |
| 1. | «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамияти, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 5-уй. | Пластмасса маҳсулотларини қайта ишлаш | Жамият 2014 йил якунлари бўйича 451 927 минг сўм соф фойда олган. Жамият ишчилари сони 193 нафар | 61,04 | 140 626 | 7 336 429 | 52,17 | 1 100 000 | 3 ойдан ошмаган муддатда | 37 тадан кам бўлмаган миқдорда | «Тошкент» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти | 2015 йил 11 декабрь |
| 2. | «Самарқандкимё» акциядорлик жамияти, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар шаҳарчаси. | Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш | Жамият 2014 йил якунлари бўйича 537 134 минг сўм соф фойда олган. Жамият ишчилари сони 598 нафар | 60,35 | 947 757 | 13 107 921 | 13,83 | 14 200 000 | 4 йилдан ошмаган муддатда | 362 тадан кам бўлмаган миқдорда | «Тошкент» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти | 2015 йил 11 декабрь |
| 3. | «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти, Фарғона вилояти, Қиргули тумани, Саноат кўчаси. | Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш | Жамият 2014 йил якунлари бўйича 989 339 минг сўм соф фойда олган. Жамият ишчилари сони 7767 нафар | 48,05 | 16 216 103 | 152 820 557 | 9,42 | Кўзда тутилмаган | | | «Тошкент» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти | 2015 йил 11 декабрь |
| 4. | «Кварц» акциядорлик жамияти, Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2-«А» уй. | Шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш | Жамият 2014 йил якунлари бўйича 26 673 928 минг сўм соф фойда олган. Жамият ишчилари сони 2097 нафар | 75,0 | 17 972 955 | 94 310 500 | 5,25 | 9 200 000 | 3 йилдан ошмаган муддатда | --- | «Тошкент» Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти | 2015 йил 11 декабрь |

** - Танловлар олти ой ичида ўн иш кунида бир марта даврийлик билан ўтказилади.*

Давлат активларини эркин алмаштириладиган валютага сотиб олиш учун харидорлар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари сотувчининг ҳисоб рақамига депозитга қўйиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича воситачининг номи кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда, депозитга қўйилган давлат активи нархининг камида ўн беш фоизи миқдорида эркин алмаштириладиган валютада маблағ ўтказади.

Пул маблағлари харидорнинг воситачиси кўрсатилмасдан депозитга қўйилган тақдирда, сотувчига шартнома-топшириқноманинг нусхаси тақдим этилади.

Депозитга қўйилган маблағлар ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти ёки сотувчи томонидан харидорнинг ёки унинг ишончли вакилининг ёзма аризасига биноан, у олинган кундан бошлаб беш банк куни мобайнида депозитга қўйилган валютада қайтарилади.

Савдо ғолибига депозитга қўйилган маблағлар сотиб олинган давлат активи учун тўлов ҳисобига ўтказилади.

**Мурожаат учун манзиллар:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.
Маълумот учун телефонлар: (+99871) 259-21-38, 259-21-14, 259-20-29.
**2.** «Тошкент» Республика фонд биржаси, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Маълумот учун телефонлар: (+99871) 236-07-40, 233-32-31
**3.** «Mulk-sarmoya brokerlik uyi» АЖ, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Маълумот учун телефонлар: (+99871) 232-10-45, 232-10-46.
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gkitorg.uz, www.gkk.uz

**Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!**

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда, Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

**Савдоларга марҳамат!**

1675-1A/793

*TO THE ATTENTION OF ALL FOREIGN INVESTORS!*

## The State Committee of the Republic of Uzbekistan for Privatization, Demonopolization and Development of Competition

**hereby invites to Exchange Sales of the State-owned Stock Packages present at the Charter Funds of the following Joint-Stock Companies in accordance with the Decree by President of the Republic of Uzbekistan «On Measures aimed at Increase of the Share and Significance of the Private Ownership in the Economy» No PD-2340 dated April 28, 2015**

| № | Name and Legal Address of a Company | Kind of Activity | Characteristics of a Company | State-owned Stock Package (%) | Quantity of Stocks (pieces) | Initial Price for a Stock Package (US Dollars) | Initial Price for a one piece of Stock (US Dollars) | Minimal Size Investment and Social Obligations (to be undertaken by a Buyer) | | | Sales Organizer | Date of Conduct of Sales* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Amount (US Dollars) | Period of Investing | Number of newly created Job-Places (pieces) | | |
| 1. | «Jizzakh plastic» JSC («Jizzakh plastic factory») Jizzakh Region, Jizzakh city, 5, Tashkentskaya str. | Processing of Plastic Items | Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes 451 927 thous. Uzbek Soums. Number of Personnel: 193. | 61,04 | 140 626 | 7 336 429 | 52,17 | 1 100 000 | Not more than within the 3 months period | Not less than 37 | JSC Republican Stock Exchange «Toshkent» | December 11, 2015 |
| 2. | «Samarkandkimyo» JSC («Samarkand chemical plant» JSC) Samarkand Region, Samarkand City, «Khimikov» Settlement | Production of Mineral Fertilizers | Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes 537 134 thous. Uzbek Soums. Number of Personnel: 598. | 60,35 | 947 757 | 13 107 921 | 13,83 | 14 200 000 | Not more than within the 4 years period | Not less than 362 | JSC Republican Stock Exchange «Toshkent» | December 11, 2015 |
| 3. | «Ferganaazot» JSC («Fergana nitrogen plant» JSC) Fergana Region, Kirguli district Sanoat str. | Production of Mineral Fertilizers | Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes 989 339 thous. Uzbek Soums. Number of Personnel: 7 767. | 48,05 | 16 216 103 | 152 820 557 | 9,42 | Not stipulated | | | JSC Republican Stock Exchange «Toshkent» | December 11, 2015 |
| 4. | «Kvarts» JSC («Quartz» JSC - glassware manufacture), Fergana Region, Kuvasay City, 2a Mustaqillik str. | Manufacture of the Glassware Items | Net Profit of the Company by the end of 2014 constitutes 26 673 928 thous. Uzbek Soums. Number of Personnel: 2 097. | 75,0 | 17 972 955 | 94 310 500 | 5,25 | 9 200 000 | Not more than within the 3 years period | --- | JSC Republican Stock Exchange «Toshkent» | December 11, 2015 |

** Tenders are held once every ten working-days for six months*

For purchase of the State-owned Stocks in Free Convertible (Hard) Currency (further referred to as the «FCC») a Buyer (a Buyer's Broker) is obliged, not less than thirty minutes prior to the beginning of the Exchange Sales, to deposit into the Settlement and Clearing Chamber (further referred to as the «SCC») the cash means in FCC at size of not less than 15 percent of the Initial Price of the State-owned Stocks by the exchange rate of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan taken by a date of deposition of the cash means, in order and within periods established by the Rules of the Exchange Sales.

In case of deposition of the cash means without indicating a Buyer's Broker, a copy of the Commission Agreement shall be presented to the SCC.

Deposited cash means shall be returned by the SCC at a written request of a Buyer (a Broker of the Buyer) within the five banking days since a date of receipt of an application in that same currency in which the cash means have been deposited.

Deposited cash means will be taken into account at performance of the Purchase Payments.

**For references:**

**1.** The State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan, Tashkent City, 55, Uzbekistanskiy Ave.
Phones: (+99871) 259-21-38, 259-21-14, 259-20-29. web-site www.gkitorg.uz, www.gkk.uz.
**2.** JSC Republican Stock Exchange «Toshkent», Tashkent City, 10, Bukhara str.
Phones: (+998 71) 236-07-40, (+998 71) 233-32-31.
**3.** JSC «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» (Brokers' House), Tashkent City, 10, Bukhara str.
Phones: (+99871) 232-10-45, 232-10-46.

Dear Entrepreneurs! In case of violation of your rights during the process of the Sales conduct, please contact us through the «hot-line» of the State Competition Committee of the Republic of Uzbekistan: (0-371) 259-21-37.

**We are inviting you to participate in the Sales!**

1675-2R/793

**ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА**

*Япониянинг дунёга машҳур “Toyota” концерни йиллик даромади бўйича прогнозини бир фоиз пасайтирди.*

## Кутилганидек эмас




Бундай хулосага келиниши унинг автомобиллари савдоси учинчи чоракда Индонезия ва Таиландда сусайгани билан изоҳланмоқда. “The Economist” нашрида қайд этилишича, мазкур даврда компания маҳсулотлари, асосан, АҚШда харид қилинган. Лекин “Toyota” фаолияти айни пайтда муаммолар гирдобида қолган Шарқий Осиё давлатлари бозорига боғланиб қолган.

## Сув остидаги хазина

*Сариқ денгизнинг Хитой шарқий қисмидаги ҳудудидан улкан олтин кони топилди.*



Бу ҳақда “South China Morning Post” нашри хабар тарқатди. Хазина ҳажми тахминан 470 тоннага тенг. Мутахассислар уни қазиб олиш осон кечмаслигини таъкидлашаяпти. Чунки қимматбаҳо металл 2 километр чуқурликда жойлашган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Хитой олтин ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

## Тақдири номаълум

*Бразилияда хусусий самолёт қулаб тушди.*

Манбада келтирилишича, пойтахт Бразилия шаҳридан Сан-Паулу сари ҳавога кўтарилган “Cessna 650 Citation VII” русумли лайнер орадан 25 дақиқа ўтиб, ҳалокатга учраган. Унинг бортида бўлган 2 нафар учувчи ва шунча йўловчининг тақдири ҳозирча номаълум. Воқеа жойида қутқарувчи гуруҳлар ишламоқда.

## Эътирофга муносиб

*Франциянинг “ПСЖ” футбол клуби ҳужумчиси, швециялик Златан Ибрагимович ўз мамлакатида ўнинчи бор энг яхши ўйинчи, деб топилди.*




Ғолибга аталган мукофотни унга бир пайтлар Миланнинг “Интер” жамоасида биргаликда тўп сурган собиқ жамоадоши Луиш Фигу топширди. Златан дастлаб 2005 йилда ана шундай мақомга лойиқ кўрилган бўлса, 2007 йилдан буён мазкур номинацияни ҳеч кимга бермай келмоқда.

34 ёшли ҳужумчи терма жамоа сафида 105 ўйинда майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 56 та гол урган.

## Ер силкинишлари рўй берди

*Чилида кучли зилзилалар кузатилди.*

АҚШ Геология хизмати хабарига кўра, бир соат ичида икки марта — 6,6 ва 6,9 балли зилзила рўй берган. Унинг маркази мамлакат шимолидаги Кокимбо шаҳри атрофида қайд этилган. Ҳозирча қурбонлар, жабрланганлар ва бошқа талафотлар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ушбу қўмита раисининг ўринбосари, сенатор Толибжон Абдумаликович Мадумаровга укаси
**Халилжон МАДУМАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоалари академик Ортиқ Файзуллаевга турмуш ўртоғи
**Маъсуда ФАЙЗУЛЛАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Dunyo bo‘ylab” телеканали ДУК жамоаси телеканал директори Зоир Қурбоновга волидаи муҳтарамаси
**Марҳамат ҚУРБОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Чизма геометрия ва графика кафедраси катта ўқитувчиси
**Бахтиёр ҲОЖИМУҲАМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ҲАМКОРЛИК

*Кармана туманида Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлик боғи очилди.*

*Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳада изчил ривожланиб бораётганини таъкидладилар.*

# Дўстлик боғи ниҳоллари

Хусусан, айни пайтда Навоий вилоятида фаолият кўрсатаётган 52 қўшма корхонанинг 9 таси бевосита Корея Республикаси инвестицияси иштирокида ташкил этилган бўлиб, уларда жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрланаяпти.

Шунингдек, “Навоий” халқаро аэропорти негизида барпо этилган халқаро интермодал логистика маркази Марказий Осиёдаги энг йирик ҳамда замонавий транспорт-логистик хаб бўлиб, у икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг яна бир ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Айтиш жоизки, ушбу сўлим боғ ҳудудини келгусида 140 гектарга етказиш кўзда тутилган. Шу мақсадда ҳозир Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA)нинг 2,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги гранти ҳисобига бу ерда кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Қолаверса, боғнинг суғориш тизимини йўлга қўйиш учун давлат бюджетидан қарийб 725 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

— Мазкур лойиҳа 2013 — 2016 йилларга мўлжалланган бўлиб, шу кунгача бир гектар майдонда ноёб ўсимлик ва кўчатлар етиштиришга ихтисослаштирилган замонавий иссиқхона қурилди, — дейди Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Им Жонг Хи. — Бу ерда боғ учун махсус игнабаргли ва чўл иқлимига мос дарахт ниҳоллари кўпайтирилади. Кўчатларни парваришлаш ишлари юртингиз ҳамда Жанубий кореялик мутахассислар томонидан олиб борилади.

Дўстлик боғининг очилиш маросимида Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён сўзга чиқди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

КЎРГАЗМА

*Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида ёш мусаввирларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.*

# Табиат гўзаллиги ёшлар талқинида

Ундан Диёр Розиқов, Нигора Шарифхўжаева, Нуриддин Расулов ва Санжарбек Жабборовнинг рангтасвир, ҳайкалтарошликка оид асарлари ўрин олган. Экспонатларни томоша қилар экансиз, ёш рассомлар ижодидаги янгиликка интилиш, ҳар бир мавзуга ўзига хос ёндашувнинг гувоҳи бўласиз.

Кўргазма 22 ноябргача давом этади.

**Моҳира АДИЗОВА.**

# Нафосат ва маҳорат кўриги



Темур МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган сурат.

*Мамлакатимизда хотин-қизлар спорти, жумладан, бадиий гимнастика тобора оммалашиб бормоқда. Бу, албатта, Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани, жойларда бири-биридан муҳташам спорт мажмуалари ташкил этилиб, улар энг замонавий жиҳозлар билан таъминланаётгани, машғулотларга малакали мураббийлар жалб қилинаётгани самарасидир.*

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Бундай шарт-шароитлардан баҳраманд ҳолда спорт билан астойдил шуғулланиб, маҳоратини ошираётган истеъдодли қизларимиз кейинчалик халқаро миқёсдаги нуфузли беллашувларда иштирок этиб, Ўзбекистон номини улуғлашга муносиб ҳисса қўшишаяпти.

Дарҳақиқат, спортнинг мазкур нафис тури бетакрор мусиқий оҳанглар уйғунлигида киши руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Инсоннинг феъл-атворида гўзалликка, эзгуликка мойиллик уйғотади. Булар, шубҳасиз, соғлом ҳаёт тарзининг муҳим омилларидан биридир.

Пойтахтимизда “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз” шиори остида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган “Камолот кубоги” республика очиқ турнири ҳам юртимизда янги иқтидор эгалари, истиқлолнинг баркамол авлоди вояга етаётганининг яна бир ёрқин ифодасига айланди.

“Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу мусобақада республикамизнинг турли ҳудудларидан 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган юз нафардан зиёд умидли бадиий гимнастикачи қизлар қатнашди.

Якунда Мўътабар Бобохўжаева, Роҳатой Шодиева, Жасмин Абдураҳмонова, Мадина Эргашалиева, Гулиза Маҳкамова, Камола Қобилбекова, Шаҳризода Халилова, Омина Аҳмаджонова ва Елизавета Горошконинг маҳорати ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

ҲУНАРМАНДЧИЛИК

*Ҳунарли кишиларнинг исмига “уста” сўзини қўшиб айтиш халқимизга хос одат. Гулистон туманидаги Дўстлик қўрғонида яшовчи Жўравой Бердиалиев ўзи яшаётган ҳудуд аҳолиси ўртасида ана шундай эҳтиромга сазовор бўлган қўли гул ҳунармандлардан биридир. У ёғоч, темир ва ипдан хонадон эҳтиёжи учун зарур бўлган ўнлаб турдаги сифатли буюмларни тайёрлайди.*

# Боқий қадриятлар эъзози

— Ёшлигимдан ҳунармандчиликка қизиқар эдим, — дейди уста. — Бу орзуимга истиқлол шарофати билан эришдим. Ёшим бир жойга етган бўлса-да, давлат томонидан кўрсатилаётган беқиёс эътибор ва рағбат менга катта куч-ғайрат бағишлаяпти. Натижада ҳунармандчилик йўналишида оилавий бизнесимизни йўлга қўйдик. Бугун ўғлим ҳам ёнимга кириб, устачилик билан машғул. Боболаримиздан мерос ҳунарларимиз навқирон авлод томонидан катта иштиёқ билан ўрганилиб, изчил давом эттирилаётгани қувонарлидир.

Сирдарё вилоятида халқ ҳунармандчилиги анъаналарини пухта эгаллашга ва уни янгича ёндашувлар асосида бойитишга ҳаракат қилаётган ёшлар сафи кенг. Эътиборлиси, улар амалий санъатнинг деярли барча йўналишида фаолият кўрсатишмоқда. Чунончи, Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган “Ташаббус — 2015” кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳунармандлар ишлари кўргазманинг катта қисмини эгаллагани бунга яққол мисол бўла олади. Ўша танловда илк бор қатнашган Элбек Қосимовнинг ёғоч ўймакорлиги йўналишидаги буюмлари қўйилган бўлма ҳам танлов давомида томошабинлар билан гавжум бўлди.

— Бу ҳунарни эгаллашни мактабимиздаги тўгаракдан бошлаганман, — дейди навқирон ҳунарманд. — Сўнг Сирдарё ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида, республика дизайн коллежида таълим олдим. Айни чоғда эса Гулистон давлат университетида меҳнат таълими йўналишида ўқияпман. Бу ерда ёғоч ўймакорлигини пухта ўрганиш учун барча шарт-шароит яратилган. Халқимизнинг минг йиллардан буён сайқалланган ушбу амалий санъат турини мукаммал ўзлаштиришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Олий ўқув юртида таҳсилни тамомлагач, ёғоч ўймакорлигига қизиқувчи иқтидорли ёшлардан кўплаб шогирдлар тайёрламоқчиман.

Айтиш лозимки, айни чоғда вилоятда фаолият кўрсатаётган 400 дан зиёд ҳунармандниңг аксарияти ёшлардан иборат. Улар сафи кенгайишига “Ҳунарманд” уюшмаси вилоят бошқармасининг жойлардаги Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари билан ҳамкорликда ташкил этаётган “Устоз — шогирд” мактаблари ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Хусусан, Гулистон шаҳрида фаолияти йўлга қўйилган ана шундай масканда 54 нафар қиз тикувчилик, зардўзлик ва каштачилик бўйича тажриба орттирди.

— Яқинда Сирдарё туманидаги “Малик” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида “Ҳунармандлар” марказини туздик, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муҳайё Мирзажонова. — Айни пайтда мазкур муассаса ёшларга касб ўргатиш ҳамда уларнинг малакаларини оширишга хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, бошқармамиз ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ҳунармандларга кредит олиш ҳамда солиқ имтиёзлари бўйича маслаҳатлар берилиб, бу борада ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Қувонарлиси, давлатимиз томонидан яратилган улкан имкониятлар туфайли бугун ҳунармандчилик ҳаракати Сирдарё вилоятида ҳам кенг қулоч ёзиб, жадал равнақ топаётир. Пировардида соҳа вакиллари ишлаб чиқараётган сифатли маҳсулотлари билан юрт ободлиги ва аҳоли турмуш фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб, халқимизнинг азалий яратувчанлик салоҳиятини амалда намоён этишаяпти.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ФЕСТИВАЛЬ

*Бухорода “Камалак юлдузлари” республика болалар ижодиёт фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.*

# «Камалак юлдузлари»

Ёш иқтидор эгаларини аниқлаш, улар истеъдодини юзага чиқариш, навқирон авлоднинг она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини мустаҳкамлаш каби олижаноб мақсадларни ўз олдига қўйган анъанавий тадбирнинг шаҳар ва туман босқичларида 4700 нафардан зиёд ўғил-қизлар иштирок этди. Улардан 404 нафари фестивалнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Истеъдодли ўғил-қизлар жами олти йўналиш бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказишди.

— Тасвирий санъатга жуда қизиқаман, — дейди Ғиждувон туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Шербек Суннатов. — Бугунги тадбирда юртимизнинг бетакрор манзаралари акс этган суратларим билан қатнашаяпман. Мақсадим — келажакда ўз асарларим билан Ватанимиз довруғини дунёга ёйишга ҳисса қўшиш.

Фестиваль қизғин баҳс-мунозара, ижодий мулоқот тарзида кечди. Якунда энг фаол қатнашчилар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги гала-концерт барчага хушкайфият улашди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОН

**«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2015 йил 26 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

Жарқўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Жарқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган:

* ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 17 декабрдаги 1-394-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia DOHC GLBO» русумли, давлат рақами 75 O 374 CA.

***Бошланғич баҳоси — 19 546 531 сўм.***

* ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 26 февралдаги 1-565-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-3303» русумли, давлат рақами 75 Q 498 EA.

***Бошланғич баҳоси — 8 019 000 сўм.***

* ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2013 йил 19 майдаги 1-59-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-138А» русумли, давлат рақами 19 D 03 05.

***Бошланғич баҳоси — 7 825 468 сўм.***

* ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 17 сентябрдаги 1-206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ 21-03» русумли, давлат рақами 19 G 47 32.

***Бошланғич баҳоси — 2 261 049 сўм.***

* Ангор тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 2 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 W 149 CA.

***Бошланғич баҳоси — 7 874 743,23 сўм.***

* Шеробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 21 майдаги 1-08-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412» русумли, давлат рақами 75 Z 847 AA.

***Бошланғич баҳоси — 629 856 сўм.***

**Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган, Термиз шаҳар ИИБ ЙҲХБ Термиз шаҳар ХАН, Сариосиё тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончаси ва Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳовлисида сақланаётган:**

ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2014 йил 2 июлдаги 1-170-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

— 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC BD150» русумли, давлат рақами 75 K 081 FA.

***Бошланғич баҳоси — 20 813 378 сўм.***

— 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Spark BDDB3» русумли, давлат рақами 75 Q 390 DA.

***Бошланғич баҳоси — 15 454 600 сўм.***

— ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 18 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «Honda» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 1 869 372 сўм.***

— Термиз ҳарбий судининг 2011 йил 3 июндаги 8625-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-133 ГЯ» русумли, давлат рақами 19 K 1526.

***Бошланғич баҳоси — 1 558 425 сўм.***

— ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 21 июлдаги 1-344-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 75 F 644 FA.

***Бошланғич баҳоси — 13 838 084 сўм.***

— ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2013 йил 4 ноябрдаги 02-85-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 B 372 DA.

***Бошланғич баҳоси — 5 861 190 сўм.***

— ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 15 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 01 R 049 SA.

***Бошланғич баҳоси — 22 807 572 сўм.***

— ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2014 йил 5 ноябрдаги 02-68-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 75 M 771 AA.

***Бошланғич баҳоси — 18 305 190 сўм.***

— 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Damas» русумли, давлат рақами 75 V 488 EA.

***Бошланғич баҳоси — 17 714 700 сўм.***

— 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 C 404 FA.

***Бошланғич баҳоси — 12 105 045 сўм.***

— 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Matiz» русумли, давлат рақами 75 A 128 FA.

***Бошланғич баҳоси — 11 809 800 сўм.***

— ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2015 йил 3 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia GTLB3» русумли, давлат рақами 75 D 717 BA.

***Бошланғич баҳоси — 22 812 597 сўм.***

— ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 20 октябрдаги 1-436-ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Spark» русумли, давлат рақами 75 O 013 CA.

***Бошланғич баҳоси — 17 906 328 сўм.***

— ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 11 декабрдаги 1-477-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 75 V 236 EA.

***Бошланғич баҳоси — 18 305 190 сўм.***

— ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 12 июндаги 1-200-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz best» русумли, давлат рақами 75 V 337 FA.

***Бошланғич баҳоси — 14 272 438 сўм.***

— ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2015 йил 9 июндаги 1-56-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 75 V 138 EA.

***Бошланғич баҳоси — 23 490 000 сўм.***

**Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 11 июндаги 19-1306/3110-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сурхон шоликор» МЧЖда сақланаётган:**

* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Енисей-1200Р» русумли, давлат рақами 49-65 ЕЦ.

***Бошланғич баҳоси — 21 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ 315148-095» русумли, давлат рақами 01 803 QCA.

***Бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Амкодор-342В» русумли фронтал юклагич (погрузчик), давлат рақами 26-36.

***Бошланғич баҳоси — 111 000 000 сўм.***

* 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-353212» русумли, давлат рақами 01 662 HBA.

***Бошланғич баҳоси — 42 900 000 сўм.***

* 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «ГКБ-8352» русумли, давлат рақами 01 1482 AA.

***Бошланғич баҳоси — 14 800 000 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «ЛТЗ-60-АБ-10» русумли трактор, давлат рақами 54-21 ЕЛ, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «2ПТС 6.5» русумли тиркама, давлат рақами 00-16 ЕЦ ва 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «2ПТС 6.5» русумли тиркама, давлат рақами 00-15 ЕЦ.

***Умумий бошланғич баҳоси — 69 800 000 сўм.***

**Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 26 ноябрь куни аукцион савдоларида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

2015 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

— Ангор тумани СИБ томонидан ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2014 йил 17 июндаги ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 75 D 331 AA.

***Бошланғич баҳоси — 37 500 000 сўм.***

Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Шеробод тумани судининг 2014 йил 22 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳовлиси ва Термиз шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 01 M 306 RA.

***Бошланғич баҳоси — 1 700 000 сўм.***

— ЖИБ Жарқўрғон тумани судининг 2015 йил 14 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 16 200 000 сўм.***

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 26 ноябрдаги аукцион савдосига — 2015 йил 24 ноябрь куни соат 16.00 ва 2015 йил 14 декабрдаги аукцион савдосига — 2015 йил 11 декабрь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси.**
**Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

1676R/33

Гувоҳнома № 004059.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 73 041 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5